Ушбу сонда:
2 *Таассуф!* ЙЎЛ АЗОБИ
3 *Шарҳловчи минбари* ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ МУАММОЛАРИ
4 БИР МАҚОЛА ФОЙДАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 31 июл, чоршанба №122 (1339)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ - ВАСЕДА УНИВЕРСИТЕТИ ФАХРИЙ ДОКТОРИ

**30 июл. Токио. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.**

Президент Ислом Каримов Япониянинг энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири - Васеда университетига ташриф буюрди. Шу муносабат билан мазкур илм даргоҳида бўлиб ўтган учрашувда университет ректори Окушима Такаясу Ислом Каримовнинг давлатни бошқариш, ривожлантириш ва икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги улкан хизматларини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон эришаётган ютуқлар, хусусан, изчиллик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг самаралари нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ҳам аҳамияти катта эканлигини қайд этди.

Васеда университети Илмий кенгашининг қарорига биноан Ислом Каримовга мазкур олий ўқув юртининг фахрий доктори унвони берилди. Президентга бу ҳақдаги ҳужжат топширилди ва докторлик мантияси кийдирилди.



Йиғилиш сўнгида Ислом Каримов ўзбекистонлик талабалар билан мулоқотда бўлди. Ўзбекистон учун замонавий кадрларнинг аҳамияти, бу борада мамлакатимизга Япония томонидан кўрсатилаётган ёрдам ҳақида сўзлади.

Япониянинг турли олий ўқув юртларида етмишга яқин ўзбекистонлик талаба таълим олмоқда.

Шу куни Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида 348 миллион иен миқдорида грант ажратиш тўғрисидаги битим имзоланди. Бу ҳужжат яна 20 нафар ўзбекистонлик йигит-қизнинг Японияда таҳсил олиши учун имконият яратади.

Президентимизнинг Японияга ташрифи учрашувларга бой кечмоқда. Ислом Каримов «Империал» меҳмонхонасида «Мицуи» компанияси президенти Шинжиро Шимидзуни қабул қилди. Ушбу компания мамлакатимиздаги кўплаб йирик лойиҳаларда фаол иштирок этиб келмоқда. Учрашувда Ўзбекистон билан «Мицуи» ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари, амалга оширилаётган ва келгусида ижро этилиши мўлжалланаётган қўшма лойиҳаларга оид масалалар муҳокама қилинди.

Президент Ислом Каримов Япония Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар билан учрашди. Унда Япониянинг собиқ бош вазири Йосиро Мори, ЛДПнинг сиёсий ишлар бўйича комиссияси раиси, «ЛДП-Ўзбекистон» дўстлик лигаси президенти Таро Асо, Лига бош котиби Нарияки Накаяма давлатимиз раҳбарининг мазкур ташрифи икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтаришига умид билдирди.

«Токио Каикан» меҳмонхонасида Япония ишбилармонлари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов Ўзбекистондаги буюк ўзгаришлар, хорижлик сармоядорлар учун яратилаётган қулай шароитлар ҳақида сўзлади.

Давлатимиз раҳбарининг Японияга расмий ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА).**

## *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ*

### Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси 2002 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 29 июл.

* * *

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:*

**1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари тўғрисида.**

**2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида.**

**3. «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрир) лойиҳаси ҳақида.**

**4. «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида** (биринчи ўқиш).

**5. «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида.**

**6. «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрирда) лойиҳаси ҳақида** (биринчи ўқиш).

**7. «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.**

**8. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида** (биринчи ўқиш).

**9. «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.**

**10. «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси тўғрисида.**

**11. Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.**

**12. Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.**

* * *

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

# САНАТОРИЙЛАРДА

## қарияларни даволаш бўлимлари

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси тизимида 20 та санаторий ҳамда 2 мавсумий дам олиш маскани фаолият кўрсатмоқда. Сўлим масканлардаги шароитни янада яхшилаш мақсадида қурилиш-таъмирлаш, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, Қибрай туманидаги «Умид гулшани» санаторийси учун 150 ўринли даволаш-ташхис биноси бунёд этилиб, у намунали фаолият юритиб келмоқда. Хоразмдаги «Хонқа» сиҳатгоҳи эса яқин кунлар ичида иш бошлайди. Сурхондарёдаги «Хўжаипок» сиҳатгоҳининг қурилиши изчил давом этмоқда.

Жами шифо масканларининг лойиҳа бўйича даволаш имконияти 6285 ўринни ташкил этади. Таъкидлаш жоиз, дам олувчилар ҳамда даволанувчиларга замон талаблари даражасида шароитлар яратиш мақсадида асосан бир ва икки ўринли, ажойиб тарзда жиҳозланган хоналар ташкил этилди.

Ўзбекистон санаторийлари хориждаги энг яхши сиҳатгоҳлардан сира қолишмайди. Баъзиларининг эса ўзига хос афзал томонлари бор. Шу боис ҳам уларда дам олишни ихтиёр этаётганлар сони йил сайин кўпаймоқда. Курортлар бошқармаси касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг яқиндан ёрдами, қўллаб-қувватлаши натижасида «Қашқадарё соҳили» санаторийсида маданият маркази, ошхона комплекси ҳамда физиотерапия даволаш бўлими биноси қурилишини тугаллаб ишга туширди. Бухородаги «Ситораи Мохи Хоса», Тошкентдаги «Ботаника» санаторийларида капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. «Турон», «Чинобод», «Оқтош» масканларида эса замонавий коттежлар бунёд этилди. Сув билан даволаш мажмуаларининг мавжудлиги кўпчиликка маъқул бўлмоқда.

Икки-уч йил ичида сиҳатгоҳларимиз хориждан келтирилган энг яхши тиббиёт асбоб-анжомлари билан етарли миқдорда таъминланди. Эндиликда ажойиб чўмилиш ҳавзаларига эгамиз. Кўпинча даволанувчилар биздаги ўзига хослик ҳақида сўрашади. Тушунтириш берамиз: санаторийларнинг 16 тасида бальнеологик даволаш жараёнлари минерал сувлар асосида олиб борилади. Бу сувлар кимёвий хусусияти бўйича дунёга танилган Кавказ минерал суви, Россия, Украина курортлари ва бошқа бир қатор хорижий давлатлардаги минерал сувлардан мутлақо қолишмайди. Масалан, сувларимизнинг таркиби йод, бром, натрий, кальций, хлорид-магний каби фойдали моддаларга бойдир.

«Чимён»даги маъданли сувнинг асосий таркиби сероводород бўлиб, шифобахшлиги бўйича Сочидаги «Мацеста» сувидан қолишмайди. Ибн Сино номидаги санаторийдаги маъданли сув таркиби эса радонли, хлор сулфадли бўлиб, Цхалтубо, Пятигорск курортларидаги обизамзамнинг таркиби билан бир хилдир.

*Қадр*

Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида сиҳатгоҳларимизда 30693 нафар киши ўз саломатлигини тиклаб, кўнгилли дам олди. Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан 2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши табаррук инсонларга бўлган ҳурмат-эътибор нақадар юқори эканлигининг ёрқин исботидир. Биз — касаба уюшма вакиллари ҳам бир ёндан ҳаракат қилиб, кексаларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан белгиланган тадбирларни изчил амалга оширишга ҳаракат қилаяпмиз. Белгиланган дастурга кўра табаррук инсонларнинг мароқли дам олишлари учун шарт-шароитлар яратиш, ошхоналарда улар учун алоҳида столлар ташкил қилиш, овқатлар, ноз-неъматларнинг талаб ва истаклари асосида тайёрланишини таъминлаш юзасидан хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган олти ой давомида сиҳатгоҳларимиз учун 14 миллион 850 минг сўмлик дори-дармон сотиб олинган. Масканларимизда дам олаётган қариялар учун тарихий жойларга экскурсиялар уюштириш, кутубхоналарда уларни қизиқтирган адабиётларни жамул жам қилиш, ёшлар билан учрашувлар ўтказиш уюшқоқлик билан ташкил этилган.

Қувончлиси шуки, «Бўстон», «Ботаника» сиҳатгоҳларида жами 90 ўринга мўлжалланган қарияларни даволаш бўлимлари ташкил этилди. Улар отахону онахонларга манзур бўлмоқда. Сўнгги йилларда санаторийларимизда даволанаётганлар сони ортиб бораяпти. Агар 1999 йилда 40680 киши даволанган бўлса, 2002 йилнинг биринчи ярмида ушбу рақам 30693 кишини ташкил этди.

ЎзКУФКнинг Курортлар бошқармаси республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан меҳнат фахрийлари ва нафақахўрларни соғломлаштириш мақсадида шартнома имзолаган бўлиб, ўтган олти ой ичида 415 дона йўлланма ажратди. Бундан кейин ҳам ўзаро ҳамкорлик изчил давом этади. Биз Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятидан нуронийлар келиб, сиҳатгоҳларимизда кўнгилдагидек дам олишларига эришиш учун астойдил ҳаракат қилаяпмиз.

Нуронийлар бизнинг бахтимиз, суянган тоғларимиздир. Уларни қадрлаш, иззат-ҳурматини жойига қўйиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Акмал ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси бошлиғи.**

## *Тармоқ касаба уюшма қўмиталарида*

***Яқинда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Президентимиз олдимизда турган муаммоларни ҳал этиш ҳамда кўзланган натижаларга эришиш барча жамоат ташкилотлари, раҳбарлардан биринчи галда меҳнаткашларнинг ташвиш ва интилишлари билан яшашни тақозо этади, дея алоҳида уқтириб ўтди. Ҳақиқатан ҳам қаерда меҳнаткашларга меҳрибонлик кўрсатилса, ўша ерда меҳнат ютуқлари юқори бўлади.***

# ОДАМЛАР ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИ БИЛАН ЯШАЙЛИК

— Бу сўзлар бизга ҳам катта масъулият юклайди, - дейди Ўзбекистон авиация ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Шавкат Мингалиев. — Шу боисдан ҳам «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиа компанияси билан ҳамкорликда асосий эътиборни тармоқ ишчи-хизматчиларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, уларга кўнгилдагидек меҳнат ва дам олиш шароитлари яратиш, улар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш масалаларига қаратмоқдамиз.

Дарҳақиқат, бугунги кунда тармоқда 33 та касаба уюшма ташкилоти фаолият кўрсатиб, ўз атрофига 22 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган. Тармоқлараро тузилган келишувларда ҳамда жамоа шартномаларида кўзда тутилганидек, ҳозир асосий эътибор меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини оширишга йўналтирилган. Ишчи- хизматчилар меҳнат стажлари ҳамда касбларига бўлган муносабатга қараб ҳар ойда эллик фоизгача мукофот пули олмоқдалар.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамаси «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилганди. Унда фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, мулкчилик шаклларидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар ходимларига иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун хўжалик раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш тўғрисида гапирилган эди. Мазкур қарор жойлардаги касаба уюшма қўмиталарига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Шунга асосан Марказий қўмитанинг навбатдан ташқари пленумида тармоқ ишчи-хизматчиларининг маошларини ўз вақтида берилишини таъминлаш юзасидан қарор қабул қилинди. Натижада иш ҳақидан қарздорлик умуман бартараф этилди. Айни кунларда ойлик маошлар ўз вақтида бериб келинмоқда. Мабодо иш берувчиларнинг айби билан ойлик тўланиши ўн кунга кечикса, жамоа шартномасида кўзда тутилганидек, ишчи-хизматчиларга қўшимча ҳақ тўланмоқда. Йиллик меҳнат таътилига чиқишдан олдин ҳар бир меҳнаткаш ойлик маошининг эллик фоизигача моддий ёрдам олмоқда.

Бундан ташқари, ҳар бир ходимнинг оила аъзоларига ҳам таътил ўтказадиган жойларига бориб келишлари учун имтиёзли баҳода чипталар сотилмоқда. Яна бир қулайлик — бирон киши хонадонида тўй бўлса, уч кунлик, оила аъзоларидан ёки қариндошларидан бирон киши вафот этса, етти кунлик маош тўланадиган таътил берилмоқда.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан Марказий қўмита томонидан дастур ишлаб чиқилди. Унга кўра тармоқ корхоналарида махсус кўргазмалар ташкил этилди. Уларда корхона тарихи, бугуни ва эртаси ҳақида ҳикоя қилинади. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида фахрийлар уюшмаси тузилган. Унинг бўлимлари тизимдаги барча корхоналарда фаолият кўрсатмоқда.

Биз юқорида тилга олиб ўтган дастурнинг бажарилиши Марказий қўмитанинг раёсат мажлисларида мунтазам равишда муҳокама этиб борилмоқда. Дастурнинг кўлами кенг. Унга кўра авиакомпания ҳамда Марказий қўмита томонидан 550 нафардан зиёд пенсионерларга 4 миллион 500 минг сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг эҳтиёжларига қараб озиқ-овқат ва турли дори-дармонлар бепул улашилмоқда. Отахон ва онахонларни соғломлаштириш, уларни дам олдириш ҳам эътиборда. Шу кунгача 51 нафар қарияларга имтиёзли йўлланмалар тарқатилди.

Корхона ҳамда ташкилотларда маъмурият билан ҳамкорликда «Кекса авлод учрашувлари» ўтказилмоқда. Тарихий жойларга экскурсиялар уюштириляпти. Яқинда «Қариялар тажрибаси ва билими мустақиллик хизматида» мавзусида конференция ўтказилди.

Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилаётган мазкур тадбирларнинг барчаси тармоқ меҳнаткашларининг фаровонлигини оширишда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қиляпти.

**Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири.**

# АСОСИЙ ҲАМДА ҚЎШИМЧА ТАЪТИЛЛАР

**Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради**

***САВОЛ: Ходим бир неча йиллар давомида меҳнат таътилидан фойдаланмаган. Шу даврга пуллик компенсация тўлаш мумкинми?***

***Умуман меҳнат таътиллари тўғрисида маълумот берсангиз.***

**А.СОЛИЖОНОВ,**
**Тошкент шаҳри.**

**ЖАВОБ**: Меҳнат кодексининг талабларига асосан барча ходимларга, шу жумладан, ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга ҳар йили дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилиши зарур.

Амалдаги қонунга мувофиқ йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун ходим олти ой ишлагандан кейин берилади.

Ходимнинг иш йили меҳнат шартномасига биноан иш бошланган кундан эътиборан ҳисобланади.

Қонунда айрим ходимларга уларнинг хоҳишига кўра меҳнат таътили олти ой ўтмасдан олдин ҳам берилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Булар қуйидагилар:

- аёлларга — ҳомиладорлик ва туғиш таътили олдидан ёки ундан кейин;
- I ва II гуруҳ ногиронларига;
- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
- муддатли ҳарбий хизматдан захирага бўшатилган ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга;
- ўриндошлик асосида ишлаётганларга;
- асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда;
- ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларида ўқиётганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътилларини имтиҳонлар, синовлар (зачётлар) топшириш, диплом, курс, лаборатория ҳамда бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига тўғрилаб олишни хоҳласалар;
- технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ходимларга.

Мактаблар, ҳунар-техника, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларининг муаллимлар таркибига биринчи иш йилида ёзги таътил даврида берилади.

Жамоа келишуви, жамоа шартномаси ёки бевосита меҳнат шартномаси билан биринчи иш йили учун таътилдан муддатидан олдин фойдаланиш ҳуқуқига эга ходимлар рўйхати тўлдирилиши мумкин.

Ходимларга иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун меҳнат таътили бериш навбати календар йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитаси билан келишиб, тасдиқланган жадвалга мувофиқ берилади. Бу таътиллар жадвалини бажариш ҳам иш берувчига, ҳам ходимлар учун мажбурийдир.

Таътилларни бериш навбати жадвалда шундай мўлжал билан белгиланиши керакки, токи улардан фойдаланиш нормал ишлаб чиқариш жараёнини бузмасин.

Бундан ташқари, жадвални тузишда ходимларнинг айрим тоифалари учун меҳнат таътилларидан фойдаланиш билан боғлиқ қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган кафолатларга риоя этиш, муассасанинг бошқа ходимлари манфаатларини ҳисобга олиш зарур. Яъни, ходимларга меҳнат таътили, агар бу ишлаб чиқариш жараёнига ва муассасанинг нормал ишлаб туришига ҳалал бермаса, йилнинг улар учун қулай вақтида берилиши керак.

Таътилдан фойдаланишнинг жадвалда белгилаб қўйилган вақти фақат ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ўзгартирилиши мумкин.

Таътил бериш ҳақида ходим иш берувчи томонидан ёзма равишда таътил бошланишидан камида ўн беш кун олдин хабардор қилиниши ва таътил бериш тўғрисида буйруқ чиқарилиши керак. Лекин, амалиётда ходимларнинг иш берувчи номига таътил берилишини сўраб ариза билан мурожаат қилиши ҳанузгача давом этиб келмоқда.

Ходимларга ҳар йили ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил ва қонунларда белгиланган йиллик қўшимча таътиллар берилади. Йиллик асосий ва қўшимча таътиллар қўшиб жамланганда унинг умумий муддати қирқ саккиз иш кунидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Энди, меҳнат таътилини кейинги йилга ўтказиш масаласига келсак, қонунда бу ҳақда аниқ кўрсатиб ўтилган. Меҳнат кодекси 143-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ меҳнат таътилининг ўн икки иш кунидан ортиқ бўлган қисми кейинги йилга кўчирилиши мумкин. Шу йили ходим — ундан албатта фойдаланмоғи зарур. Бундай кўчиришга фақат ходимнинг розилиги билан ва фақат ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда йўл қўйилади.

Меҳнат кодекси қуйидаги таътилларнинг кейинги иш йилига ўтказилишига йўл қўймайди:

а) меҳнат таътилини ходимнинг ўз розилигисиз;

б) бутун меҳнат таътилини тўлалигича. Таътилнинг ўн икки иш кунидан ортиқ қисмигина кўчирилиши мумкин;

в) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга бериладиган меҳнат таътиллари;

г) ноқулай ва ўзига хос меҳнат шароитида, шунингдек, оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида ишлаганлик учун қонун ҳужжатлари билан белгиланган қўшимча таътиллар.

Фойдаланмаган таътиллар учун пуллик компенсация тўлашда Меҳнат кодексининг 151-моддаси талабларига иш берувчи томонидан тўлиқ риоя қилиниши зарур. Амалдаги қонунга асосан ходимларга иш даврида, иш берувчи билан ходимнинг ўзаро келишувига биноан йиллик таътилнинг энг оз муддатидан, яъни ўн беш иш кунидан ортиқча қисми учун пуллик компенсация тўланиши мумкин. Бу ўринда ижтимоий таътилларнинг барча турларидан, шунингдек, меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ҳамда оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитидаги ишлар учун бериладиган йиллик қўшимча таътиллардан тўлиқ фойдаланиши зарурлиги ва уларни пуллик компенсация билан алмаштирилишига қонун томонидан йўл қўйилмаслигини ёддан чиқармаслик керак. Ходимларга фойдаланмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун пуллик компенсация фақат меҳнат шартномаси бекор қилинганда берилади.

Сизнинг саволингиздан маълум бўлдики, иш берувчи ходимга меҳнат таътили беришда, уни кейинги иш йилига кўчирилишида Меҳнат кодексининг 143, 144-моддалари талабларини тўлиқ бажармаган. Демак, ходим муассасада ишлашни давом эттирар экан, унга барча фойдаланмаган меҳнат таътиллари берилиши зарур ва Меҳнат кодексининг 9-моддасига мувофиқ касаба уюшма қўмиталари ходимларнинг меҳнат таътилида ўз вақтида бўлишларини текшириб боришлари ва назорат қилишлари керак.

**БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ**



*2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили*

# БУ ОНЛАР УНУТИЛМАЙДИ

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қарши туман қўмитаси ташаббуси билан Қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб тадбир ташкил этилди. Халқ маорифини ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшган фахрий ўқитувчилар бир пиёла чойга таклиф қилиндилар.

Бешкент шаҳрининг «Роҳат» чойхонаси шу куни одатдагидан-да файзга тўлди. Туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Сайфулло Хайруллаев устозларни табриклаб, соғлиқ-саломатлик тилади. Нафақага чиққан ўқитувчиларга қимматбаҳо гиламлар топширилди.

— Қилич Янгиев, Орзиқул Раҳматиллаев, Абдурайим Узоқов, Қаюм Узоқов, Ўроқ Сувонов сингари фахрий устозларнинг катта ҳаёт йўли барчамиз учун ибратлидир, — деди туман халқ таълими бўлими мудири Боймурод Мавлонов. — Бугунги кунда фахрий ўқитувчилар иззат-ҳурматда.

Тадбирда касаба уюшмаси ҳам бир гуруҳ фахрийларга ўз совғаларини тақдим этди.



**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

***Суратда: нафақага кузатилаётган ўқитувчига гилам топширилаётган пайт.***

***«Тадбиркор аёл» уюшмасининг Янгийўл шаҳар бўлими ёрдами билан банклардан имтиёзли кредит олиб, шахсий бизнесини йўлга қўяётган аёллар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда.***

## ЯНГИ ЎҚУВ МАРКАЗИ

Шунингдек, уюшма янги иш ўринлари ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Яқинда уюшма қошида Япония элчихонаси гранти бўйича янги ўқув маркази ташкил этилди. Марказга 5 та компьютер, ўнта тикув машинаси ўрнатилиб, йигит-қизлар янги жойда ўқувни бошлаб юборишди. Бу ерда ёшлар бухгалтерия ҳисоби, хорижий тиллар, чеварлик, қандолатчи, ошпаз ва дизайнерлик санъати касблари бўйича таълим олмоқдалар.

**(ЎзА).**

# БУХОРО — САЙЁҲЛАР ШАҲРИ

***«Ўзбектуризм» миллий компанияси ташкил топганлигининг ўн йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарда иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Бутунжаҳон туристик ташкилоти бош котиби Франческо Фражеали Бухорода бўлди.***

Кейинги йилларда Бухорода ҳам туризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Фақатгина сўнгги беш йилда хориждан келаётган сайёҳлар сони ўн мингдан ўттиз саккиз минг нафарга кўпайди. Сайёҳларга хизмат кўрсатиш жаҳон андозалари даражасига кўтарилди. Замон талабларига жавоб берадиган меҳмонхоналар барпо этилди. Ҳозирги пайтда Бухоро шаҳрида 32 та сайёҳлик ташкилотлари ва 12 та хусусий меҳмонхоналар фаолият юритмоқда.

Бутунжаҳон туристик ташкилоти бош котиби Франческо Франжеали Бухоро билан танишишни "Ситораи Моҳи хоса" мажмуидан бошлади. Бухоронинг сўнгги амири Амир Олимхоннинг ёзги қароргоҳидаги экспонатларни у катта қизиқиш билан томоша қилди. IX-X асрлар шарқ меъморчилигининг барча кўринишларини ўзида мужассамлаштирган Исмоил Сомоний мақбараси мартабали меҳмонда катта таассурот қолдирди. У Минораи Калон, Масжиди Калон ҳамда Мирараб мадрасасини ўзида мужассамлаштирган "Пойи-остона" тарихий мажмуи билан танишди.

Бош котиб шарқнинг кўплаб буюк даҳолари илм олган Улуғбек ва Абдулазизхон мадрасаларида бўлди. "Лаби Ҳовуз" тарихий мажмуини ҳайрат билан томоша қилди.

- Бундан тўққиз йил илгари Бухорода бўлгандим,-деди Франческо Франжеали "Туркистон-пресс" мухбирига.-Ўшанда бу шаҳар менинг назаримда кичикроқ эди. Ўтган даврда шаҳарда кўплаб бинолар барпо этилганлигининг гувоҳи бўлиб турибман. Тарихий обидаларга алоҳида эътибор берилаётганлиги айниқса мени қувонтирди. Тўғриси, аждодларингиздан сизга мерос қолган тарихий обидаларни асраб-авайлаб, уларни асл ҳолига қайтариш учун кўп меҳнат сарфланганлиги яққол кўринмоқда. Ушбу тарихий обидалар билан танишиш, уларни томоша қилиш учун Бухорога минглаб сайёҳлар ташриф буюришларига ишончим комил.

Мартабали меҳмон ҳунармандлар томонидан ташкил қилинган кўргазма билан ҳам танишди. У сайёҳларнинг яшашлари ва дам олишлари қандай ташкил этилганлиги билан қизиқди. Бош котиб келгуси йилда Бутунжаҳон туристик ташкилоти ижроия қўмитасининг анжумани Бухорода ўтказилиши режалаштирилаётганлигини билдирди. Бу эса мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлигининг исботидир.

*Шарҳловчи минбари*

***Бруней қироллигида Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари ассоциациясига (АСЕАН) аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бошланди.***

# ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ МУАММОЛАРИ

Қироллик пойтахти Бандар-Сери-Бегаванда ўтказилаётган тадбирда Осиё минтақасидаги террорчилик ва унга қарши кураш масалалари кўриб чиқилмоқда. Шунингдек, вазирлар иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳам алоҳида музокара ўтказишни режалаштирган.

Жануби-шарқий Осиёга жиддий хавф солаётган муаммоларнинг асосийси, шубҳасиз, терроризмдир. Мамлакатлар ичкарисида хуфёна фаолият олиб бораётган қуролланган айирмачи гуруҳлардан АСЕАН минтақаси ҳам азият чекмоқда. Филиппин, Индонезия, Малайзия ва Сингапур шулар жумласидан. Шу боис иштирокчилар терроризмга барҳам бериш масалалари юзасидан ҳам фикрлашди.

Учрашув кун тартибидан Камбожада фаолият юритаётган «Қизил кхмерлар» ташкилотини буткул йўқ қилиш муаммоси ҳам жой олган. Мазкур гуруҳ ўтган асрнинг 70-йилларида мамлакатда оммавий қирғин уюштирган. Маълумотларга қараганда, «Қизил кхмерлар» мамлакатни бошқарган пайтда икки миллиондан ортиқ бегуноҳ кишининг қони тўкилган экан. Шу боис АСЕАНга аъзо давлатлар вакиллари сиёсий тартибсизликлардан фойдаланиб озодликда юрган жиноятчиларни халқаро трибуналга топшириш фикрини бирдек маъқуллади. Дарвоқе, Камбожа ҳукумати ва аҳолиси ҳам ушбу анжуман кхмерлар фаолиятига буткул чек қўяди, деб умид билдирмоқда. Умуман, мазкур муаммога аввал ҳам БМТ ва Камбожа ҳукумати эътибор қаратган, бироқ, айрим келишмовчиликлар сабабли суд жараёни тўхтаб қолганди.

Шу кунларда АҚШ давлат котиби Колин Пауэллнинг Жанубий Осиёга сафари давом этмоқда. Саммит доирасида Колин Пауэлл АСЕАН ташкилоти аъзолари билан терроризмга қарши кураш бўйича музокара ўтказади. Музокараларда америкалик сиёсатчи халқаро трибунал масаласига алоҳида урғу бериши кутилмоқда.

Жанубий Осиё минтақасига назар ташланса, унда нафақат сиёсат, балки иқтисодиётда ҳам муаммолар анча йиғилиб қолганини кузатиш мумкин. Ҳозир АСЕАНга аъзо давлатлар минтақага хориж сармояси кириб келиши сустлашаётгани, экспорт ҳажмининг камайиб бораётгани, шунингдек, сўнгги ойларда минтақада ишлаб чиқарилаётган товарлар жаҳон бозорида рақобатга дош беролмаётганидан ташвиш билдираётир. Халқаро кузатувчилар агар аҳвол шу зайлда кетаверса, Осиёда рўй берган 1998 йилги иқтисодий инқироз яна такрорланиши мумкин демоқда. Шу сабабдан ташқи ишлар вазирлари минтақа иқтисодиётининг бугунги аҳволига чуқурроқ назар ташлаш ниятида.

**Шаҳноза**
**МАТНАЗАРОВА,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

## ИНҚИРОЗДАН ЧИҚСА БЎЛАДИ

Эквадорнинг Гуаякиль шаҳрида Жанубий Америка қитъасидаги мамлакатларнинг иккинчи анжумани ўтказилди. Унда мазкур минтақадаги ўн давлат президенти, Уругвай вице президенти, Суринам ташқи ишлар вазири каби юқори мартабали арбоблар иштирок этдилар. Улар ушбу учрашувда ҳозир Жанубий Америка давлатларига хавф солиши эҳтимоли бўлган молиявий-иқтисодий инқирознинг олдини олиш муаммоларини муҳокама қилдилар. Эквадор президенти Г.Нобоанинг фикрича, ушбу минтақа мамлакатлари интеграциясини янги савияга кўтариш лозим. Бразилия давлати бошлиғи Ф.Э.Кардозо эркин савдо ҳудудини ташкил этиш, Жанубий Америка умумий бозори (Меркосур)га кирувчи мамлакатлар муносабатларини янада жонлантириш кераклигини таъкидладилар. Анжуман икки кун давом этди.

## МАХСУС ХИЗМАТ ВА ИСЛОҲОТ

Польшада махсус хизмат маҳкамаларини ислоҳ қилиш ишлари тўғрисида анчадан бери гап бораётган эди. Эндиликда ана шу жараён амалга оша бошлади. Аввалги хавфсизлик хизмати ўрнига давлатни ҳимоя қилиш бошқармаси таъсис этилди. Ислоҳотнинг дастлабки қадамлари осон кечмади. Аввалги хавфсизлик хизматининг 39 нафар ходимлари ишдан бўшатилди. Разведка агентлигининг раҳбари Збигнев Сементковскийнинг айтишига қараганда, мазкур тадбирлар «тозалаш» эмас. Маҳкама ишини янги поғонага кўтариш учун алоҳида дастур амалга оширилиши лозим.

## ИШ АЙБЛОВДАН БОШЛАНДИ

Чехияда янги ҳукумат иш бошлаганидан сўнг ҳеч қанча вақт ўтмасдан Чернинский саройи — Ташқи ишлар вазирлигида катта шов-шувга сабаб бўлган воқеалар рўй берди. Бунга мазкур вазирлик айрим ходимларининг коррупцияда айбланиши сабаб бўлди. Ташқи маҳкама раҳбари Цирил Свобода айбдорларнинг қилмиши исботлангудек бўлса, уларни қаттиқ жазо кутажаклигини айтди.

## ПЎПИСАДАН БОШҚА НАРСА ЭМАС

«Ал-ақса жабрдийдалари батальони» деб аталмиш экстремистик ташкилот Исроил арбобларидан қасос оладиган «қора рўйхат»ни эълон қилди. Жангариларнинг баёнотига қараганда, бу хатти-ҳаракат исроилликларнинг яқинда Ғазо минтақасида қилган бедодликларига жавоб эмиш. Ўшанда 15 дан зиёд фаластинликлар ҳалок бўлган эди.

Рўйхатда биринчи бўлиб бош вазир Ариэл Шарон турибди. Ундан кейин бош штаб раҳбари, асосий маҳкамаларнинг мутасаддилари, бир неча вазир, кнессет депутатлари, генералларнинг номлари бор. Исроил мудофаа вазири Бен-Элиэзернинг гапларига қараганда, «қора рўйхат» дўқ-пўписадан бошқа нарса эмас. Шунинг учун унга жиддий эътибор бериш шарт эмас.



## АВИАҲАЛОКАТЛАР

Сўнгги кунларда Москва ҳамда Украинанинг Львов шаҳрида катта авиаҳалокатлар содир бўлди. Пойтахтнинг «Шереметьево-1» тайёрагоҳидан кўтарилган «ИЛ-86» ҳаво кемаси баландликни ололмай, йиқилиб тушди. Унинг ичида бўлган 16 нафар экипаж аъзосидан 14 нафари ҳалок бўлди. Татьяна Моисеева ҳамда Арина Виноградовалар мўъжиза сабаб омон қолдилар. Мутахассислар бу фожеага самолётнинг носозлиги сабаб бўлган, деб ҳисобламоқдалар.

Ўша куни Украинанинг Львов шаҳридаги ҳарбий аэродромда ҳам авиаҳалокат юз берди. 14-авиакорпуснинг 60 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган байрам томошаси пайтида «СУ-27» самолёти томошабинлар тўпланган жойга қулаб тушди. Дастлабки маълумотларга қараганда, 83 нафар киши, жумладан, 19 нафар болакай нобуд бўлди. Ҳалокатлар сабаби махсус комиссия томонидан ўрганилмоқда.

*Бир мақола фойдаси*

**Мана, чилла ҳам охирлаб бормоқда. Неча юз минглаб ўқувчилар ёзги таътилларини жонажон Ўзбекистонимизнинг гўзал ва хушманзара ҳамда соя-салкин жойларида ўтказмоқдалар. Жумладан, бу йил Наманган вилоятида болаларнинг ёзги таътилни мазмунли ўтказишлари учун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ аҳамият берилди. Режада белгиланган 18 минг ўрнига 18242 нафар ўғил-қиз ёзги таътилларини болалар оромгоҳларида ўтказмоқдалар. Айникса, «Соҳил», «Офтобча», «Камалак», «Атлас» ва бошқа қатор оромгоҳлар фаолияти мақтовга лойиқ. Оролбўйи минтақасидан ташриф буюрган 800 нафардан ортиқ мактаб ўқувчиларининг вилоят болалар оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришгани нур устига аъло нур бўлди. Ҳозирда улардан кўплаб миннатдорчилик хатлари олинмоқда.**

# ОРОМГОҲ ЧИРОҚЛАРИ ПОРЛАЙВЕРСИН

Касаба уюшмалари, улар қаторида «Ишонч» газетаси ходимлари ҳам болалар оромгоҳларида ёш ҳордиқ чиқарувчиларга яратиб берилган шарт-шароитни мунтазам кузатиб бормоқдалар. Аниқланган камчиликлар зудлик билан ўз ўрнида бартараф этилишини назардан қочирмаяптилар. Чунончи, ана шундай текширувлар давомида «Бойчечак» (Янгиқўрғон тумани) ва «Юпитер» (Чуст тумани) оромгоҳлари фаолиятида айрим хато-камчиликлар мавжудлиги кўзга ташланган эди. Жумладан, оромгоҳлар фаолиятини ўрганиш давомида Янгиқўрғон туманидаги «Ёш алоқачи» оромгоҳида ҳам бир мунча салбий ҳолатлар кўзга ташланган ва биз бу ҳақда газетамизнинг 118-сонида баҳоли қудрат таҳлил қилган эдик.

Яқинда назорат тариқасида текшириш ўтказилган вақтда бу ерда катта ижобий ўзгаришлар рўй берганлиги аниқланди. Оромгоҳ раҳбари Соҳибжон Қўзибоевнинг айтишича, жамоа танқиддан тегишли хулоса чиқариб олган ва зудлик билан уларни бартараф этиш чораларини кўрган. Чунончи, гимнастика машғулотлари ўтказиш майдончаси ва ота-оналарни кутиш айвончаси таъмирдан чиқарилган. Ётоқхоналар, маънавият хонаси тартибга келтирилган. Кутубхона мамлакатимизда нашр этилаётган болалар газета ва журналлари билан таъминланган. Тарбиячи ва бошқа масъул ходимларга нисбатан талабчанлик кучайтирилган. Болаларнинг ҳар бир куни сермазмун ва самарали ўтиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Кўнгилочар кечалар, қизиқарли учрашувлар мунтазам ўтказиб борилмоқда.- Хуллас, С.Қўзибоевнинг яна бир бор уқтиришича, «Ёш алоқачи» оромгоҳида ўтган дамлар ҳордиқ чиқарган ўқувчининг ёдида бир умр сақланиб қолади.

Болалар оромгоҳлари чироқлари мангу порлайверсин!

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*«Ёз — 2002»*

## «РОҲАТ» — ФАРАХБАХШ ГЎША

**Яйдоқ чўл, қир-адирликлар оша 70 чақирим йўл юриб, «Роҳат» болалар оромгоҳига етиб келганимизда кун оға бошлаганди. Аммо қуёш ҳамон ўз шаштидан тушмаган, борлиқни тандирдек қиздирарди.**

Қилт этган шабада йўқ. Оромгоҳ дарвозасидан киришингиз билан ажиб манзара кўзга ташланади. Қуюқ дарахтлар оша офтоб нури тушмайдиган сўлим маскан эрталардагидек фарахбахш.

Чор-атроф ёғ тушса ялагудек топ-тоза. Анвойи гулларнинг муаттар ҳиди димоққа урилади. Бир гуруҳ болакайлар мириқиб чўмилишаётган бўлса, бир қисми тарбиячию йўриқчилари қуршовида китоб мутолаа қилиш билан машғул. Кимдир асфальтга расм солиш билан ўз истеъдодини синовдан ўтказмоқда.

— Ҳадемай ором соатлари бошланиб, борлиқ сув қуйгандек сукунат оғушида қолади, — дейди оромгоҳ раҳбари Зокир Аллақулов.

У киши болакайларнинг чинакам ғамхўри ва меҳрибон саркори. Буни бугун бутун Олотда билишади.

Биринчи босқичда 130, иккинчисида 125 нафар бола ҳордиқ чиқарган эди. Ҳозир 120 дан ортиқ ёш дам олувчи соғломлаштириш масканининг азиз меҳмони. Меҳмон эса отадек улуғ, — дейди директор ярим ҳазил, ярим чин аралаш.

Оромгоҳга ўз фарзандлари меҳрини қўмсаб келган ота-оналар билан дилдан суҳбатлашдик.

— Раҳбар бўлса, «Шарқ юлдузи» ширкат хўжалигининг етакчиси Шуҳрат ака Раҳмоновга ўхшасин-да!

Аввалига ҳайрон қолдик. Аммо тезда гап нимадалигини англаб етдик. Оромгоҳ бевосита «Шарқ юлдузи» ширкат хўжалиги ўрамида жойлашган эмасми, энг катта юк ҳам шу жамоа зиммасида экан. Шуҳрат ака эса вақт топди дегунча бирров бу ерга келиб кетаркан.

Олотда табиатан мағрур, болажон одамлар яшайди. «Роҳат»да бўлганимизда бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири.**

Янги ўқув йилида Германиянинг Кёлн шаҳридаги Хохшуле Фюрмюзик олий мусиқа мактаби хориждан келган бир қанча ёш истеъдодларни ўз бағрига олади. Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа коллежи битирувчиси, ёш созанда Татьяна Жукова ҳам бундай имтиёзга эга бўлди.

## ГЕРМАНИЯГА — ЎҚИШГА ЙЎЛЛАНМА

Умидли бу ёш санъаткор ўз билими ва ижрочилик маҳорати билан олий мусиқа мактабининг профессори Арбо Валдм эътиборини ўзига тортган эди. Шу туфайли профессор мусиқа коллежига мактуб юбориб, талабани ўз синфига қабул этиб, унга устозлик қилиш истагини билдирди.

Бу таклиф бажонидил қабул қилинди. Т.Жукова Германияда ўз ихтисослиги бўйича ўқишни давом эттиради.

**А.АКБАРОВ.**

*Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреатлари*

# БУЛОҚБОШИДАН ЧИҚҚАН МУСАВВИР

**Абдуллажон ака ўғлининг ётоқхонасига кирганида, Абдуманноп танчага юзини қўйганча, ухлаб ётарди. Атрофда расмлар чизилган вароқлар сочилиб кетган. Ота оқ қоғозлардаги тасвирларни астойдил томоша қила бошлади. Мана, булоқдан кўзада сув олаётган қизалоқ. Унинг ёнгинасидаги бўтакўзга капалак қўниб турибди. Нарироқдаги дарахтга эса от бойланган. Тулпор соҳиби узоқ-узоқларга нигоҳ ташламоқда. Ота суратга боқиб, хўжалик раиси Холмамат ака Жўраевни таниди.**

«Баракалла, болажоним!» дея беихтиёр пичирлади. Ўғил тепасида ота анча маҳал ўтирди. Ширмонбулоқ тоғларининг пурвиқор чўққилари, қир-адирлар сийнасидаги лолақизғалдоқлар, қишлоқ тегирмони уни батамом ром этган эди.

Тонг саҳар ота-бола шаҳарга йўл олдилар. Бу ерда рассомлик ашёлари тўлиқ харид қилинди.

Абдуманноп келажагини расмларсиз тасаввур қила олмас эди. У мактабни битиргач, Тошкент маданият техникумининг рассомчилик бўлимида таҳсил ола бошлади. Устозлардан олинган назарий билим, Худо берган туғма истеъдод тезда кўзга ташлана бошлади. Абдуманноп Аташевнинг этюдлари, натюрмортлари, портретлари турли кўргазмаларда намойиш этиладиган бўлди. Шу тариқа Булоқбошидан чиққан истеъдодли йигит ажойиб мусаввир бўлиб етишди.

Ҳозир А.Аташев тумандаги Ойбек номли ширкат хўжалигида рассом. У ўзининг қадрдон мактабидан ҳам алоқасини узган эмас. Бу ерда ёш санъат ихлосмандларига ранг-тасвир сирларидан сабоқ беряпти. Шу боис бўлса керак, А.Аташев вилоят халқ таълими бошқармасининг «Халқ таълими фидойиси» деган унвонини қўлга киритди.

Мусаввир мустақиллик ғояларини, истиқлол қаҳрамонларини ўз ижодининг бош мавзуси деб билади. Унинг «Дала шийпонида» ҳамда ҳамқишлоқлари тасвирланган асарлари кўпчиликнинг эътиборини қозонди. Натижада А.Аташев Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг дипломи билан мукофотланди. У «лауреат» деган ном билан фахрланади. «Мукофот янги режаларнинг туғилишига туртки бўлди», — дейди мусаввир. У айни кунларда Ўзбекистон Мустақиллигининг 11 йиллигига бағишлаб расмлар мажмуасини яратаяпти. Бу эзгу ишда унга шогирдлари — ота изидан бораётган тўнғич қизи Гулҳаё, иқтидорли болалар вилоят кўригининг ғолиби Мастурахон Холматова, ранг-тасвир бўйича ўзига хос йўл танлаган Аброржон Тешабоевлар баҳоли қудрат кўмаклашмоқдалар.

Ватанни севмоқ иймондандир, дейдилар. Эътиқодли одамлар ҳар доим эл олқишини олиш учун садоқат билан хизмат қиладилар. Содда, камтар, бутун куч-ғайратини ўз касбига бахшида қилган Абдуманноп Аташев ҳам ана шундай инсонлардан.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Биласизми?*

## ЎТА ШИРИН

Қанддан ҳам ширин нарса борми дунёда?! Ҳа, бор экан. Олимлар буни исботладилар. Гвинея, Конго ва Суданда ўсадиган молинина деб номланган дарахтнинг худди қизил узумга ўхшаш меваси қанддан 300 марта ширин экан.

## ШАЙТОН ДАРАХТИ

Шимолий Африкада бир дарахт ўсади. Маҳаллий аҳоли уни «шайтон дарахти» деб атайди.

Жуда кўп шов-шувларга сабабчи бўлган бу дарахтнинг ғалати хусусияти маълум бўлди. Дарахт илдизларидаги кўп миқдордаги фосфор унинг тунда нур чиқариб туришини таъминлар экан.

Бу сирни билиб олганлар дарахт ёнига келиб китобхонлик қиладилар.

## МЕВАСИДАН ДОРИ ОЛИНАДИ

Флоридада папайя дарахти ўсади. Уни одамлар «ванти» ёки «ҳаётнинг олтин дарахти» деб номлашди.

Бу дарахт ўз умрида фақат бир марта ҳосил қилади. Қовундан фарқ қилмайдиган мевасининг оғирлиги икки-уч килограммга етади.

Ҳосил салмоғи ҳам айтарли кўп эмас, 40-50 тага боради. Бироқ энг муҳими шундаки, папайя мевасидан 100 дан ортиқ дори тайёрланади.

**А. АЛИЕВ.**





*Одамийлик сабоқлари*

# ЎРИНДИҚ

Бошлиғининг тарвузи қўлтиғидан тушган каби бўшашиб айтган гапларидан англадики, паловхон тўра дам еб, фақат лаганга сузишгина қолган.

— Эрталаб соат ўнга бошқармага борар экансиз, — деди у чуқур сўлиш олиб.

— Нима учун, айтишмадими?

Ғайратнинг саволи бошлиққа оғир ботди шекилли, истеҳзоли қараш қилди.

— Борсангиз биласиз...

Оҳ, тезроқ тонг ота қолсайди! Ғайрат беихтиёр соатига кўз ташлади: энди учдан ўттиз етти дақиқа ўтибди. Иш тугашига ҳам анча вақт бор. Нима қилсин экан-а?

Хаёлан гоҳ зиёфатларнинг тўрида ўтирган, гоҳ кимларнингдир бурнини ерга ишқалаётган бир асно тўсатдан жиринглаган телефон овозидан чўчиб тушди. Шу пайтда ким бўлди экан?

— Алло, Ғайрат ака, сизмисиз? — дерди симнинг у томонидан таниш овоз. — Ойимларнинг яна мазалари қочиб қолди. Опаларингиз, ака-укаларингиз ҳам шу ерда.

Қўнғироқ қилган хотини Хонсулув эди. Очиғи, Ғайратга хотинининг сўзлари ёқмади. Нуқул подадан олдин чанг чиқариб, юракка қўрқув солувчи гапларни ғуллаб юради. Нима бало, болалигида ваҳима арининг инида тунаганми? Ойиси касаллигини, бир неча ойдан буён ол кетди, ол қўйди бўлиб ётганини у ҳам яхши билади. Керак бўлса, уч-тўрт марта пакет қилиб, ҳол-аҳвол ҳам сўраб келди. Бир марта опаларининг қистови билан бўлса-да, ўша уйда ётиб қолди. Бинойидек эдилар, эрталаб дуо қилиб, ишли одамсан, хизматингдан қолма, дедилар. Буларга қолса бутун дунёни кўтариб, бошлариға одам тўплаш бўлса! Дўхтир келиб, битта укол қилса, яна отдек бўлиб кетадилар.

Ғайрат ҳар галгидан ҳам шу сафар онасининг ўлмай туришини Яратгандан сўраб йўлга тушди. Йўл-йўлакай дўконга кириб, у-бу харид қилди. Бир кўнгли анови сабилдан ҳам олмоқчи бўлди-ю, амакисининг кўзи тушиб, дилини хуфтон қилишидан ҳайиқди. Тезроқ эрта кела қолсайди, дея ўйлади ичида.

Йўқ, уйга келса, чиндан ҳам аҳвол бошқача. Хотинининг айтганича бор экан. Онаси гоҳ ўзига келиб, гоҳ ўзидан кетиб ётибди. Ғайратни кўриб, нимадир демоқчи бўлди-ю, товуши чиқмади. Дам-бадам опа-сингиллари томизиб турган оқ пахтадан тушаётган сувдан баҳра олган қуруқшоқ лаблари қимирлаб қўйди.

Бирор фурсатдан кейин амакиси эркак қариндош-уруғларни ҳовлида тўплаб, йўл-йўриқ берди:

— Бандамиз, бир нарса деб бўлмайди, — деди у. — Ҳар эҳтимолга қарши юмушларни тақсимлаб олайлик.

— Амаки, унақа кўркинч гапларни қўйинг, — юзларига оқиб тушаётган кўз ёшларини артар экан деди Ғанишер, — балки ҳеч нарса бўлмагандек тузалиб кетарлар. Энди роҳатимизни кўраман деганларида-я...

Катта ўғил хиқиллаб йиғлаб юборди. Ғайрат ўзича эртанги тасдиқ ҳақида сўз очиш пайти келди, деб ўйлади. Лекин уни ҳозир ҳеч ким эшитмаслигини пайқаб, тилини тийди. Амакиси баъзи топшириқларни берди-да, кўча юзидаги мачитга чиқиб кетди.

Лекин тонг отса ҳамки, амакиси айтганчалик, ҳеч қандай воқеа юз бермади. Она ҳамон ўша-ўша, ўзгаришсиз, ким кирди, ким чиқди — билмас, ҳолати разм бўлганча, шипга тикилиб ётарди. Тонг билан хабар олгани чиққан қўшни аёллардан бири: «Жуда қийналиб кетдилар, боякиш, бирор ирим-сирим қилиб юбориш керакмиди» деб ўзича маслаҳат берди. Ҳеч ким на «ҳа», на «йўқ» демаса-да, Ғайрат унга ёв қараш қилди. Қўшни аёл бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Худди шуни кутиб тургандек Ғайрат аста соатига кўз қирини юборди. Яна икки соатдан сал кўпроқ вақт қолибди. Шу пайт огоҳлантирувчи чиқиллашлар нақ қулоғининг тагида эшитилгандек туюлди. Аста амакисининг олдига борди. Буни оқсоқол ўзича тушунди.

— Кўриб турибман, ҳаммаларинг чарчадинг, — деди у меҳрибонлик билан. — Бир-бир ёнбошлаб олсаларингиз ҳам майли. Мана мен, қолаверса, бошқалар бормиз.

Ғайрат чидай олмади. Безовталиги боисини айтди. Амакиси эшитганларини ҳазм қилолмадими, аввалига ҳайрат аралаш, сўнг насихатомуз сўради:

— Бормаса бўлмайдими?

Ғайрат чайналди.

— Бўлади-ю, лекин кейин қачон...

Жиянининг икки қўлини ёнга ташлаб, бўшашиб турганини кўрган амаки оғир хўрсинди. Бир тутам соқолини кафти орасидан қўйиб юбормаган кўйи, бир нуқтага узоқ тикилиб турди-да, деди:

— Ундай бўлса, сен тез бориб келақол. Фақат бир кун келиб мендан домангир бўлиб юрмасанг бўлди.

— Э, нима деяпсиз, амаки, — тамоман очилиб, қаерда турганини ҳам унутган Ғайрат амакисини билинтирмай бағрига босди. Ҳатто хотинига айтиб қўйишга вақтни қизғониб, кўчага отилди. Дуч келган машинага қўл кўтарди.

Бир омад чопмаса, барибир қийин экан. Раҳбар билан ҳали икки оғиз гаплашиб улгурмай хонага ҳаяжонланиб котиба кириб келди. Олдин раҳбарга, кейин Ғайратга саросималаниб қаради-да, деди:

— Уйингиздан қўнғироқ қилишди, онангиз оламдан ўтибдилар.

Ғайрат бутун вужуди музлаб қолганини ҳис қилди. Раҳбарнинг сўзлари қулоғига олисдан элас-элас эшитилди:

— Ҳали онангизни ташлаб бу ёққа келганмидингиз?..

Раҳбар барибир одамгарчилик қилди. Ҳайдовчисини чақириб, уйига элтиб қўйдирди. Кеч томон ўзи ҳам мулозимлари билан келиб, таъзия билдирди. Негадир амакиси билан кўпроқ сўзлашди. Ғайратга эса, шунчаки, бошини лиқиллатиб ўтди. Бу нима, таъзия билдирганими ёки бошқа нарсами, Ғайрат англамади. Бутун аъзои бадани тер босиб, кўрпача ташланган узун ўриндиқнинг бир чеккасига чўкди-да, икки чаккасини кафтлари орасига олди.

Бармоқлари орасидан кўрди: бошлиқ ортига қарамай кетиб бормоқда эди.

**Зайниддин РИХСИЕВ**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 22.25

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 619. 1 2 3 4 5 6